

Тажриба-порлоқ истиқбол кафолати

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ёшлар етакчиси Акмал Бердимуродов ташаббуси билан 15-16 март кунлари, факультет ёшлар етакчилари, бошланғич ташкилот кенгаши аъзоларидан ташкил топган бир гурух фаоллар Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши фаолияти ва Марказий кенгаш фаолияти билан танишиш, тажриба ортириш мақсадида ушбу ташкилотларга боришиди. 2021 йилда ёшлар учун таълим соҳасида, спорт билан шуғулланишига ва бошқа соҳаларда яратиб берилаётган имкониятларни талаба ёшларга батафсил етказиб бериш ва қўллаб-қувватлашда ёшлар етакчилари ташаббускор тарғиботчи ва ташвиқотчиидир.



Айнан шу мақсадда, 15 март куни ёшлар етакчилари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгашида бўлишди ва кенгаш биносида имкониятлар ва пойтахт ёшларининг ижод намуналари, янги таъмирдан чиққан медиа клуб фаолияти ва Тошкент шаҳар кенгашида фаолият олиб бораётган ходимлар билан яқиндан танишишди. Саёҳат давомида Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан уюштирилган бадиий кино кечасида бўлиб, маданий ҳордик чиқаришиди, ташриф якунида Тошкент шаҳар ёшлар етакчisi Шукуруллохон Анваров билан қарийб З соат давом этган очиқ мулоқот ташкил этилди.



Муҳокамаларга бой бўлган учрашувда Тошкент шаҳар ёшлар етакчisi ўзининг 9 йиллик тажрибасидан келиб чиқиб, ёш етакчиларга тавсиялар ва маслаҳатлар бериб ўтди. Кичик жамоа билан узоқ вақт давом этган сухбатда, ҳозирги кунда ёшларни иш билан ҳамда уй-жой билан таъминлашда юзага келаётган қийинчиликлар ва бунда институт ёшлар етакчиларининг ўрни, ёшлар кенгашларидаги тузилма қандай тартибда ишласа янада самаралироқ фаолият бўлиши юзасидан аниқ-аниқ тавсияларни бериб ўтди.



16 март куни ёшлар сиёсатининг асосий драйверларидан биттаси бўлган Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашига ташриф буюришиди. Даставвал, Марказий кенгашдаги мухит ва ёш ходимлар ўзларининг бошқарувдаги тажрибаси билан ўртоқлашди. Кун якунида Марказий кенгаш раиси Акмал Жумабоев билан очиқ мулоқот ташкил этилди. Акмал Муродович етакчилик давридаги ёрқин хотиралар ва етакчиликдан олинган тажриба ва кўникмалар ҳақида ёшларга намуна сифатида айтиб ўтди.



Ёшлар етакчisi сифатида тўплаган тажрибани ҳеч қаерда ўргатилмаслиги ва бундай имкониятдан унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлаб ўтди. Ёшлар етакчилари учун ҳақиқий тренинг вазифасини ўтаб берди десак муболаға бўлмайди. Институт ва масъул ташкилотлар бир нечта лойиҳаларни ўtkазишга келишиб олди ва бу тажрибалар албатта, институтимиз ёшларининг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда дастуруламал бўлиб хизмат қиласиди. Марказий кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар масъуллари Институтимиз раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдириб, ҳар доим ҳамкорликка тайёр эканини таъкидлаб ўтишди.

Институт ёшлар етакчисининг биринчи ўринбосари Ҳ.Искандаров ахбооти

ТИҚХММИ матбуот хизмати